Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 ЙИЛ 2 МАРТ, ЧОРШАНБА № 51 (21.655). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон—Россия:

АЛОҚАЛАР КЕНГАЯВЕРАДИ



СУРАТДА: икки мамлакат Президентлари учрашуви.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ

Россия Президенти Борис Ельцинниинг таклифига мувофиқ 2 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бошланади.

(ЎзА).

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Бунда албатта собиқ Шўролар Иттифоқидаги шериклар билан турли соҳалардаги ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, Россия корхоналари билан бизнинг саноатимиз ўртасида узвий алоқалар мавжуд. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида имзоланган ҳужжатлар, жумладан, иқтисодий иттифоқ ҳақидаги битим ўзаро муносабатлар ривожига хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 ЙИЛНИНГ 1 МАРТИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб:

иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин ва иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 45.000 сўм-купон миқдорида;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 45.000 сўм-купон миқдорида;

ҳозир амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари 1,5 баравар оширилсин ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 48.675 сўм-купон қилиб белгилансин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 2,3 баравар кўпайтирилиб, айни вақтда тушлик овқатларнинг ҳар ойлик пул компенсациялари бекор қилинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ пенсиялар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Бюджетдан пул билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопласин.

5. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур Фармонга мувофиқ меҳнат ҳақини даромад манбалари қидириб топилишига қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсад учун берадиган кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил, 26 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ШАРТНОМАЛАР ВА САВДО БЎЙИЧА ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ «ЎЗШАРТНОМАСАВДО»НИ ТУГАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН УЛГУРЖИ ВА БИРЖА САВДОСИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ — «ЎЗУЛГУРЖИБИРЖАСАВДО»НИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг товар ресурслари бозорда эркин ҳамда тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун зарур тармоқлар мажмуини вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси тугатилиб, уюшманинг таркибий бўлинмалари ва объектлари амалдаги қонунларга мувофиқ очиқ усулдаги акционерлик жамиятларига айлантирилсин.

2. Товар ресурсларини харид қилиш — сотишни ва бошқа хизматлар кўрсатишни ташкил қилишда корхоналарга, муассасалар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш мақсадида, юқорида кўрсатилган акционерлик жамиятларининг, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг иштирокида улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин ҳамда унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлсин:

республика акционерлик товар — хом ашё биржаси;

акционерлик биржа банки;

ҳудудий акционерлик тижорат — воситачилик компаниялари.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси «Ўзулгуржибиржасавдо»:

Уставга мувофиқ ўзини ўзи тўла пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида иш кўради;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналарга, ташкилотларга ва жисмоний шахсларга битим — шартнома асосида тижорат-воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, молия, транспорт, маркетинг, ахборот, аудиторлик хизматлари ҳамда бошқа хизматларни амалга оширади;

ички бозорни товар-хом ашё ресурслари билан тўлдиришда уюшма қатнашчиларининг ўзаро яқин ҳаракат қилишларини таъминлайди, барча корхоналар, ташкилотлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар учун, шу жумладан хорижий тадбиркорлар ва бизнесменлар учун биржа савдосида тенг ҳуқуқли шартшароитларни яратади;

ҳукумат буюртмалари бўйича траст битим-шартнома асосида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилади ва сотади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

энг муҳим маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш, уларга бўлган эҳтиёж ва таклифларнинг балансларини ишлаб чиқиш;

халқ хўжалигини моддий ресурслар билан таъминлашнинг устувор йўналишларини, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришнинг экспорт — импорт квоталари ва ҳажмларининг миқдорларини аниқлаб, сўнгра республика Ҳукуматининг кўриб чиқиши учун тақдим этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг зиммасига:

«Ўзистиқболстат» билан биргаликда ҳукуматлараро савдо-иқтисодий битимларнинг лойиҳаларини тузишга оид ишларни ташкил этиш, ҳукуматлараро мажбуриятлар бўйича маҳсулот етказиб берилишини тартибга солиш ва уни назорат қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ республикадан ташқарига маҳсулот олиб чиқиб кетиш учун лицензия (рухсатнома)лар бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан 10 кун муддат ичида тегишли қарор қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси («Ўзшартномасавдо»)ни ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 28 февралдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 февраль.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

1 март куни Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида техник ёрдам кўрсатишни енгиллатиш ва ўзаро эркин ҳаракат қилиш тўғрисида битимлар ҳамда иқтисодий соҳа бўйича етакчи маслаҳатчи ҳақида меморандум имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов билан Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк имзоладилар.

Ушбу ҳужжат республикамиз мутахассисларининг турли соҳалар бўйича АҚШда малакасини ошириш, Орол денгизи минтақасидаги аҳолига ёрдам кўрсатиш ва мамлакатдаги хусусийлаштириш жараёнига кўмаклашишни назарда тутади. Қолган иккита ҳужжат ҳам сиёсий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутолов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, М. Қорабоев, К. Тўлаганов, А. Возненко, В. Чжен ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ТОВАРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Савдони эркинлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, рақобатчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, ички бозорни халқ истеъмол моллари билан тўлдиришда савдо ташкилотларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» тизимларининг савдо корхоналари, ишчи таъминоти бошқармалари, ишчи таъминоти бўлимлари ҳамда устав жамғармасида давлат маблағларига эга бўлган бошқа савдо ташкилотлари учун савдо устама ҳақларининг чекланган миқдори ўрта ҳисобда 2,5 баравар кўпайтирилиб, уларнинг даражасини шартномавий (эркин) сотиладиган (улгуржи) нархларнинг 45 фоизигача, олис ва бориш қийин бўлган туманлар учун эса 55 фоизигача ошириш кўзда тутилсин. Айни вақтда савдо корхоналари ва улгуржи ташкилотлар товар гуруҳларининг истеъмол хоссаларига, ташиш харажатларига, сақлаш имкониятларига ва бошқа омилларга қараб уларнинг аниқ нарх даражаларини ва савдо устама ҳақларини мустақил белгилайдилар.

Мазкур чекланган савдо устама ҳақи хусусий мулк бўлган савдо корхоналари ва ташкилотларига даҳл қилмайди, улардаги нархларни ана шу корхоналарнинг эгалари белгилайдилар.

2. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо ташкилотларига эга бўлган бошқа бирлашмалар ва корхоналар қуйидаги йўл орқали бозорни товарлар билан таъминлаш ва тўлдириш бўйича узил-кесил чора-тадбирларни кўрсинлар:

республикада ишлаб чиқарилаётган товарларни мумкин қадар кўпроқ харид қилиш ва сотиш;

МДҲ мамлакатларида харидоргир бўлган товар-моддий бойликларини харид этиш ва экспорт қилиш ҳамда шунинг ҳисобидан республикага энг муҳим истеъмол товарлари етказиб беришни кенгайтириш.

Юқорида кўрсатилган идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти остида мазкур идораларга зарур ҳолларда республика ичкарисида унча харидоргир бўлмаган товарларни республикадан ташқарида демпинг (арзон) баҳоларда сотишга рухсат берилсин, бунда нархлардаги тафовут туфайли кўрилган зарарнинг ўрни мукобил тарзда етказиб бериладиган маҳсулотнинг рентабеллиги ҳисобидан қопланиши шарт.

3. Вазирликлар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, бирлашмалар фирма дўконлари тармоғини кенгроқ ривожлантириб, шу мақсадлар учун ишлаб чиқариладиган товарларнинг зарур ҳажмларини ўз ихтиёрларида қолдирсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки: улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотларининг, жумладан умумий овқатланиш корхоналарининг даромадларидан солиқ иловага мувофиқ даромад даражасига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича олинади. Бунда солиқ тўловчиларни код билан рўйхатдан ўтказиш махсус тизими ишлаб чиқилади ва даромадлар ой сайин декларацияда кўрсатиб борилади;

кимга бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча савдо корхоналарида товарлар нархларни ва сотилган молларнинг ҳажмини қайд этувчи савдо касса аппаратлари орқали сотилади:

товарларнинг ҳаммасида савдо ёрлиқларининг бўлиши учун жавобгарлик шахсан савдо корхоналари раҳбарларининг зиммасига юклатилади.

5. Ғоят тақчил истеъмол моллари импортини рағбатлантириш мақсадида;

Марказий банк савдо ташкилотларига товар-моддий бойликларни харид қилиш ва экспортни амалга ошириш учун сўм-купонларда кредит маблағлари ажратсин:

республика валюта жамғармасида халқ истеъмол моллари харид қилиш учун валюта маблағлари кўзда тутилсин. Бунда мазкур мақсадлар учун валюта маблағлари ажратиб бериладиган валютанинг энг кўп даражада қопланишини ва истеъмол бозори халқ истеъмол моллари билан тўлдирилишини таъминлайдиган савдо ташкилотлари ва фирмаларига аукцион (кимошди) асосида берилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги:

Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда «Савдо ташкилотлари даромадларини декларацияда кўрсатишлари тўғрисидаги низом», «Товарларни мажбурий равишда касса ёки товар чеклари орқали сотиш тартиби» ва «Солиқ тўловчи савдо корхоналарини, шунингдек уларнинг даромадларини код билан рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

«Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда давлат ресурслари ҳисобига марказлаштирилган тартибда четдан (жумладан МДҲ мамлакатларидан) келтириладиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларнинг шартномавий (эркин) нархларини белгилашга оид тавсияларни тайёрласинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йилнинг 1 мартидан аҳолига энг зарур озиқ-овқат молларини кафолатланган меъёрларда сотиш тартиби ун, ўсимлик мойи, қанд-шакар, гўшт, чойга сақлаб қолинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 октябрдаги 501-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сон қарорига 1-илова, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 31 декабрдаги 615-сон қарорига 4-иловада белгиланган савдо корхоналарининг даромадларига солиқ ставкалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларининг зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

Даромадлилик	Савдо корхоналари (жумладан умумий овқатланиш корхоналари)нинг солиқ олинадиган даромадининг товар оборотига нисбатан даромадлилик даражаси (фоиз ҳисобида)			Даромадларга солиқ ставкалари (фоиз ҳисобида)
	улгуржи савдо	чакана савдо	умумий овқатланиш	
Кам бўлганда	4,1	5,3	17,0	18
Ортиқ бўлганда	4,2	5,4	17,1	36*

*) Ставка даромадлиликни белгиланган даражасидан ортадиган даромадларга нисбатан қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»ДА

Иқтисодий ислоҳотлар йўлини бундан буён ҳам ўтказаберишмақсадида ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июлдаги 360-сон қарорига мувофиқ республикада асосий озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нарх белгилашга босқичма-босқич ўтилаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон аҳолиси хабардор қилинган эди. Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилиши йўлидаги уринишларнинг олдини олиш зарурлигини эътиборга олиб «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси билан «Ўзбекбирлашув» аҳолига меъёрланган миқдорда сотиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари: гўшт, ўсимлик ёғи, қанд-шакар, чой ва нонниг шартномавий (эркин) нархлари янги даражаларини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб уларнинг нархлари ўрта ҳисобда 33 фоиз оширилади. Айни вақтда республика ҳукумати аҳолига меъёрланган миқдорда сотиладиган уннинг амалдаги шартномавий чакана нархларини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу йилнинг 1 мартидан гуруч ва кир совун меъёрланган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарилади. Бу маҳсулотлар аҳолига амалда таркиб топаётган нархларда сотилади.

1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб республикага ташиб келтирилаётган нефтнинг нархи ўсганлиги муносабати билан бензин нархи 28 фоиз оширилди. Бунда республика ҳукумати айрим тоифалардаги шахслар, шу жумладан Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари учун амалдаги имтиёзларни сақлаб қолди.

Айни вақтда республика аҳолисининг ижтимоий кафолатларини янада таъминлаш мақсадида ва юқорида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бензиннинг нархлари ўзгариши муносабати билан 1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 45000 сўм-купон ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 48675 сўм-купон даражасида белгиланмоқда ёки 50 фоиз кўпайтирилмоқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 2,3 баравар оширилмоқда.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЯВЕРАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Россия ўзининг иқтисодий ва ҳарбий қудрати жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. У ниҳоятда бой хом ашё заҳираларига эга. Мамлакатнинг илмий-техник имкониятлари ҳам катта. 900 га яқин университет, 4 мингга яқин техник институтлар ишлаб турибди. Россия олимлари яратган кашфиётлар бутун дунёда маълум. Агар илгари илмий кучларнинг катта қисми ҳарбий соҳага сарфланган бўлса, икки тузум ўртасидаги қарама-қаршиликнинг йўқолиши, конверсия, яъни ҳарбий корхоналар йўналишининг ўзгартирилиши туфайли улар халқ хўжалигининг муҳим соҳаларига жалб этилмоқда.

Россияда кейинги икки йил ичида ўн бир мингга яқин йирик саноат корхоналари хусусийлаштирилди.

Аммо кейинги пайтда Россияда ислоҳотларнинг бу йўли бир қанча қийинчиликларга дуч келди. Натижада ҳукумат ўз йўлини қайта-қайта ислоҳ қилишга мажбур бўлмоқда. Бу воқеалар Ўзбекистон танлаган йўл, яъни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, давлатнинг ислоҳотларни тартибга солиши сиёсати тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мунтазам ривожланмоқда. 1992 йил 30 майда икки мамлакат ўртасида имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Икки ўртадаги барча муаммолар музокаралар йўли билан ҳал этиляпти. Бунда Ислом Каримов ва Борис Ельциннинг шахсий мулоқотлари муҳим аҳамият касб этяпти.

Ўзбекистон ва Россия корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан давом эттирилмоқда. Бу алоқаларсиз иккала мамлакат иқтисодиёти ҳам жиддий зарар кўриши табиий. Россия корхоналари бизнинг маҳсулотларимизга қанчалик муҳтож бўлсалар, уларнинг маҳсулотлари ҳам бизга шунчалик керак. Қолаверса, иқтисодчилар кўп бор таъкидлаганидек, Россия маҳсулотлари учун асосий бозор Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистондадир.

Ўзбекистонда 3 миллиондан ортиқ русийзабон аҳоли яшайди. Мамлакатимизда уларнинг ўз она тилларида таълим олиши, урф-одатларига амал қилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Рус маданият маркази ишлаб турибди. Зеро, мамлакатимиз Конституциясида миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов суҳбатларидан бирида «Ўзбекистон ўз келажагини, ўз истиқболини Россия билан дўстликсиз тасаввур этмайди, биз учун Россия минтақамиздаги барқарорлик ва тинчликнинг, чегараларимиз дахлсизлигининг кафилидир», деган эди. Москвада бўлажак олий даражадаги музокаралар ўзаро манфаат ва тенглик асосидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Носир МУҲАММАД, ЎзА шарҳловчиси.

• Миллий истиқлол мафкураси—ҳаётга!

Суҳбатдошимизни мамлакатимизда етти ёшдан етмиш ёшгача — барча яхши танийди. Шу боис у кишини муштарийларимизга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Маълумки, бугунги кунда республикамиздаги барча партия ташкилотларида «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси»ни ҳаётга кенг татбиқ қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бизнинг мулоқотимиз ҳам ана шу муҳим мавзуга бағишланди.



«МАЪНАВИЯТИМИЗ САЙҚАЛ ТОПИБ БОРМОҚДА...»

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЕДГОРЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ РАИСИ, ЎзХДП АЪЗОСИ, ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ НУРИДДИН АКРАМОВИЧ МУҲИТДИНОВ.

— Нуриддин Акрамович, маълумки, жойларда «Миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши керак?» мавзуида турли учрашувлар, жонли мулоқотлар, муҳокамалар, баҳс-мунозаралар, кечалар бўлиб ўтди. Буларда, шубҳасиз, Халқ демократик партияси фаоллари жонкуярлик кўрсатдилар. Шубҳасиз, уларда давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари ҳам фаол иштирок этдилар. Ва ниҳоят, партиямизнинг Миллий истиқлол мафкураси ҳам қабул қилинди. Бироқ бу мавзу муҳокамаси, у ҳақда билдирилаётган таклиф-мулоҳазалар ҳамон давом этмоқда. Бу ҳақда Сизнинг истакларингиз, таклифларингиз қандай?

— Мен бир нарсадан хурсандман. Асрий армонларимиз ушалди. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби маънавиятимиз ҳам сайқал топиб бормоқда. Бунда, албатта, юртбошимизнинг жасоратини, улкан хизматларини алоҳида қайд этмаслик инсофдан бўлмас. Унинг: «Маънавият инсонга она сути, ота номуси, аждодлар ўгити билан сингади»,— деган гапларида кенг маъно бор. Ахир у киши томонидан биринчи марта олға сурилган миллий истиқлол мафкураси ғояси ҳаммамиз учун яшин чақнагандек бўлди-ю, кўнгилларимизга илиқлик югурди, келажакка бўлган ишонч ва эътиқодимизни янада мустаҳкамлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий истиқлол мафкураси — халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим, дея барчамизни шу олижаноб ишга бош қўшишга даъват этгани бежиз эмасди.

Бу фикр кейинчалик Олий Кенгаш сессияларида, ёзувчилар билан учрашувда янада ривожлантирилди, бойитилди, миллий мафкурамизнинг ўткир жиҳатлари ўз ифодасини топа бошлади. Бу кезларда, шубҳасиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббусни қўлга олиб, миллий истиқлол мафкурасини яратишга астойдил бел боғлади.

Олимларимиз ҳам миллий истиқлол мафкурасини яратишда фаол қатнашиб, академиядаги йиғилишда уни кенг ва атрофлича муҳокама қилдилар, қимматли таклиф-мулоҳазалар билдирдилар. Бу борада давлат ва жамоат арбоблари ҳам фаол иш олиб бордилар. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқовнинг матбуотда босилган «Истиқлол мафкураси ва кадрлар сиёсати» сарлавҳали мақоласи ана шу мавзуга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Унда мафкурамизнинг шакли, келажакдаги вазифалари кадрлар сиёсати билан узвий боғлаб берилганки, бу шубҳасиз, эътиборга лойиқдир.

— Нуриддин Акрамович, Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», — деб қайд этилган. Буни қандай тушунмоқ керак?

— Ушбу қоиданинг Конституциямизга алоҳида модда тарзида киритилишининг ўзи муҳим аҳамиятга эга. Хўш, уни қандай шакллантириш ва мазмун-мундарижасини қандай аниқлаш мумкин? Энг аввало, биз мустабид шўролар тузумидаги мафкурани олиб кўрайлик. Лўнда қилиб айтганда, унинг «ҳалок» бўлишининг бешта асосий сабаби бор. Улар қайсилар? Биринчидан, олдига қўйган мақсади — коммунизм қуриш эди. Иккинчидан, шўролар мафкураси синфий мафкура эди. Учинчидан, бу партиявий мафкура эди. Тўртинчидан, ҳамон ягона партия давлат тепасида ҳукмрон бўлиб турганлиги учун давлат мафкураси эди. Бешинчидан, бутун кучқувват ва имкониятлар шўролар сиёсатини барча миллатлар онгига сингдирилишига хизмат қиларди.

Ана шуларни биз ўз шароитимиз мисолида бир тасаввур қилиб кўрайлик. Ахир ҳар жиҳатдан бўғиқ бир ҳолатга тушиб қолгандик-ку! Бой маънавиятимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз устига ҳарсанг тошлар бостириб ташланган эди! Халқимизнинг не-не асл фарзандлари туҳмат балосига учраб, таҳқирланганликлари ана шу мудҳиш жамият мафкурасининг иши эмасми, ахир?

Собиқ Иттифоқ Конституциясини олиб кўрайлик. Унинг 6-моддасига кўра, КПСС ҳукмрон партия сифатида ҳар соҳада ўз таъсирини ўтказарди. Масалан, ҳар қандай амаллар ҳам ана шу мафкурага эътиқод ва садоқатига қараб бериларди.

Синфийлик масаласига келсак, битта синфнинг мафкураси барча фуқаролар мафкураси сифатида мажбурий киритилган эди. Ягона партия мафкураси бутун давлат аппаратини бошқарарди. Бунинг моҳиятини аксарият кишилар охиригача тушуниб етмадилар. КПССнинг замини ва пойдевори бўшлиги оқибатида у ҳалокатга учради.

Бироқ етмиш йиллик тарихдан бутунлай юз ўгириш ёки воз кечиш, менимча, тўғри бўлмас. Қилинган баъзи ижобий ишларнинг яхши томонларини қабул қилган ҳолда бундан буён камчилик ва нуқсонларга асло йўл қўймаслик керак. Ўтмишнинг умуминсоний қадриятлари ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалар бугунги кунимизда ҳам асқотиши, шубҳасиз.

Ҳозирги пайтда мафкурамиз хусусида кўплаб фикр, таклиф ва мулоҳазалар билдириляпти. Менимча, Конституциямизнинг 12-моддасида таъкидланганидек, айрим гуруҳларнинг мафкураси давлат мафкураси бўлмаслиги керак. Бироқ, бу билан давлат мафкурадан четда туриши, унга нисбатан бефарқ ёхуд бепарво бўлиши керак, деган тушунча келиб чиқмаслиги лозим. Аксинча давлат мафкура билан бевосита шуғулланган тақдирдагина унинг самараси ҳаёт тарзимизда ўз аксини топиши мумкин.

Президентимизнинг сессияларда, турли мулоқотларда миллий истиқлол мафкурасига алоҳида тўхталиб ўтаётганлиги бу борадаги ишларимизнинг изчиллигидан далолат. Бу нарса Асосий Қонунимизда ҳам ўз ифодасининг топганлиги қувончли ҳол.

Албатта, ҳар бир партия ўз мафкурасига эга бўлиши керак. Бу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси умумхалқ манфаатларига бўйсундирилганлиги учун ҳам юксак қадрланмоқда. Маълумки, Конституциямизда кўппартиявийлик асосида демократик жамият барпо этиш масаласи алоҳида таъкидланган. Шундай экан, бошқа партиялар ҳам ЎзХДП сингари ўз мафкураларини яратишлари мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши шубҳасиз: у ҳолда халқ унинг қайси бирини танлаши мумкин? Табиийки, бундай пайтда у ёки бу мафкуранинг халқ манфаатларига мос томонлари асос қилиб олиниши, уларда умумий бирлаштирувчи жиҳатлар бўлиши керак. Булардан ҳар бир шахс, жамоа, давлат манфаатлари ўз аксини топиши шарт.

Бундан буён миллий истиқлол мафкурасини омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда уч муҳим нарсага қатъий амал қилинса, менимча фойдадан ҳоли бўлмасди. Булар — ватанпарварлик, фуқаролик, фидойиликдир. Ҳозир мамлакатимизда йигирма икки миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Шундай экан, миллати, жинси, динга муносабати, касбкоридан қатъи назар миллий истиқлол мафкурасида асосий ўринни ватанпарварлик тарбияси эгаллаши керак. Фуқаролик хусусида гапирганимизда, шу она заминда туғилиб, вояга етиб, шу ерда абадий яшаш насиб этган экан, албатта, онани қай тарзда эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйгани каби она диёр — Ватанни ҳам шу қадар улуғлаш, ҳақиқий, фуқаролик бурчини ҳалол ўташ тушунилади.

Мамлакатимизда икки йил ичида катта-катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ўзгаришлар юз берди. Буларнинг ҳаммаси яхши. Энг муҳими, республикамизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон. Ўзбекистон билан баробар мустақилликка эришган бошқа давлатларни — Россия, Грузия, Озарбайжон, Арманистонни олайлик. Қонли тўқнашувлар, турли можаролар содир бўлиб турибди. Тўғри, бизда ҳам тинчлигимиз, осойишталигимизни бузишга уринишлар бўлди. Буларни уюштирган кимлар? Улар Ўзбекистоннинг мустақиллигини кўролмайдиган ичи қора кимсалар. Ўзбекистон раҳбарияти тўғри сиёсат, амалий ишлар олиб бораётгани, уни халқ қўллаб-қувватлаётгани учун ҳам юртимиз тинч. Буларнинг ҳаммасига юксак ватанпарварлик, фуқаролик ва фидойилик туфайли эришяпмиз. Бу мафкурамизнинг асосий қирраларидан биридир.

— Ҳозир жаҳон миқёсида ёш мустақил давлатимизнинг ривожланиш босқичига, айни чоғда унинг миллий истиқлол мафкурасига ҳам катта қизиқиш билан қараляпти, шундай эмасми?

— Ҳар қандай янги давлатнинг мафкураси, табиийки, ўзга мамлакатларда турлича баҳоланади. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг миллий истиқлол мафкурамизнинг жаҳон миқёсидаги аҳамияти катта, таъсири кучли бўлиши аниқ. Биринчидан, бизнинг мафкурамиз тарих учун жуда қисқа давр ичида эришилган ютуқлар ва амалга оширилган ишлар асосида ҳаётга жорий этиляпти. Иккинчидан, эса, унда минг йиллик бой тарихимиз, асрий орзу-армонларимиз ўз мужассамини топган. Агар мозийга чуқурроқ зеҳн солсак, она заминимизда не-не қудратли давлатлар тузилмаган эди. Масалан, буюк Туронни оламизми, Кушонни ёхуд Амир Темур давлатини оламизми, — уларнинг бари йирик давлатлар эди. Уларнинг ҳам ўз мафкуралари бўлганди.

Қаранг-а, Амир Темур йирик империя давлатини яратди. Ҳар бир соҳа бўйича (масалан, маънавият бўйича ҳам) ўз қонуни бор эди. Хоразмшоҳда ҳам шундай эди. Бобур-чи? У ҳам ўзга юртда мамлакатни бирлаштириб, унинг мафкурасини яратди. Бизнинг ҳозирги миллий истиқлол мафкурамиз ана шу аждодларимиз мероси билан тағин ҳам бойиб бориши керак. Баъзилар мафкурамиз Конституциямизнинг бир қисмику, дейишяпти. Уларга қарата шуни айтмоқчиманки, дунёда шундай йирик давлатлар борки, уларнинг Конституцияси йўқ. Ҳатто юз йиллик Конституцияларга ўзгартишлар киритилмаган. Бироқ бу давлатларнинг ҳаммасининг ўз мафкураси бор. Ана шу мамлакатларда мафкура нималарга асосланган? Масалан, бир давлатда Конституция одамлар онгига шу қадар сингиб кетганки, унга қатъий амал қилиш одат тусига кирган. Иккинчи бошқа бир давлатда Конституцияга фуқаролик асос қилиб олинган. Чунки улар шу мамлакатнинг фуқароси бўлиши билан чексиз фахрланадилар. Учинчи бир мамлакатда эса Асосий Қонун миллий ғурурга асосланган.

— Нуриддин Акрамович, Сиз кўплаб давлатларда бўлгансиз, уларнинг баъзилари ўз йўлини топиб кетган, баъзилари эса йўқ. Бунинг туб сабаблари нимада, деб ўйлайсиз? Бунда мафкуранинг ҳам ўрни бўлгандир?

— Мен мустамлакачилик исканжасидан қутулиб, мустақилликка юз тутган кўпгина мамлакатларда бўлганман. Уларнинг аксарияти ўз тараққиёт йўлини топиб кетишган. Баъзилари парчаланиб, инқирозга учради, айримлари эса яна қарам бўлиб қолаверди. Буларнинг турли сабаблари бор. Биргина мисол келтираман. Ҳиндистон Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1955 йилда қадимий Самарқанд шаҳрида бўлди. Биргаликда боғда сайр қилар эканмиз, у тўлқинланган ҳолда шундай деб қолди:

«Биласизми, мустамлакачиликдан мустақилликка ўтишда олтин кўприк бор. Кимки шу олтин кўприкдан ўтиб, мустақилликни бошласа, у албатта, тарихий ғалабага эришади. Айтиб қўяй, бу ниҳоятда мушкул вазифа. Буни бажариш учун кўп куч, ақл-идрок, ғайрат-шижоат талаб этилади. Биз ҳам ана шундай қийинчиликларга дуч келдиқ, бироқ уларни мардонавор енгиб ўтдик...».

Демак, ҳинд халқининг бу тарихий ютуғида нафақат шижоат, ирода қўл келган, айни пайтда биринчи навбатда омма манфаатлари кўзда тутилган мафкуранинг муҳим қирралари, яъни ватанпарварлик, фуқаролик ва фидойилик сингари олижаноб ҳислатлар намоёни ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, янги барпо этилаётган жамиятнинг тўртта асосий душмани бўлади. Булар — амалпарастлик, бюрократлик, очкўзлик ва ниҳоят масъулиятсизлик. Ҳар қандай ўғирликдан, қимматчилик қаҳатидан қутулиш мумкин, лекин юқоридаги тўрт иллатни бартараф этиш анча мураккаб. Ҳалокатга учраган мамлакатларда ана шу тўртта душман ўз ҳукмини ўтказган эди. Шунинг учун ҳам мафкурамизни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида биз асосий эътиборни фуқароларни айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларни эътиқодли, имонли бўлишга, юқоридаги иллатларни таг-туби билан йўқотиш учун астойдил курашишга қаратмоғимизни кундалик турмушимизнинг ўзи тақозо этаётир.

Турли табақа вакиллари иштирокида мафкурамизнинг асослари ва негизлари яна бир маротаба кўриб чиқилса. Фикр-мулоҳазалар жамлангач, сессияларда муҳокама қилинса. Сўнгра умумхалқ қурултойи чақирилиб, халқ номидан қатъий бир фикрга келинса. Мукаммал нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир нарса сайқал топган сари унинг аҳамияти, қадри орта боради. Мафкура, ҳам шундай!

Суҳбатдош:
Миршароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

• *ХДП: котиблар иш тажрибасидан*

«МАНСАБ ЭМАС, ИШ ТАЛАШАМИЗ»

дейди Фарғона вилояти ХДП Фурқат тумани кенгашининг биринчи котиби Каримжон Жўраев

Уни ҳокимиятга ишга таклиф қилишди. Рози бўлмади.

— Бунинг сабаби бор. Қаерда ишламайлик, мақсадимиз бир. Ҳокимимиз Баротали Абдуллаевнинг суяги партияда қотган. Шу боис у бизни тўғри тушунади. Ҳамма ишни бамаслаҳат қиламиз, биз у билан мансаб эмас, иш талашамиз, холос, — дейди Каримжон Жўраев. Партия обрўси—менинг обрўйим қабилида иш тутамиз.

Кадрлар танлашда ҳоким, албатта, биринчи котиб билан маслаҳатлашади. Қанча танланган кадр борки, улар бирор марта юзларини ерга қаратмадилар. Биргина мисол, Маъруфжон Солиев деган йигит бор. Уни маҳаллий саноат вазири дейишади, ҳазиллашиб. Ўзиям тиниб-тинчимас. Маҳаллий саноат комбинати директорлиги лавозимига тайинланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўтган йили корхона режаларни икки юз фоиздан ошириб бажарди. Ҳайитқишлоқ, Навбаҳор посёлкаларида гилам, рўмол, шарф тўқиш цехлари ишга туширилди. Шоимбек қишлоғида эса вино қуйиш цехи фойдаланишга топширилди.

Қўйингки, бу комбинатлар кириб бормаган қишлоқ қолмаяпти. Янгидан-янги иш ўринлари очиляпти. Маъруфжонни кўпчилик танийди. Қурилишда прораб бўлиб ишларди. Маслаҳатли тўй тарқамас, деб шуни айтишади-да. Уни ХДП Кенгашининг биринчи котиби Каримжон Жўраев топиб келганида Баротали Абдуллаев унинг раъйини қайтара олмади. Қарабсизки, Фурқат туманида яна бир ташкилотчи, ташаббускор, ишчан раҳбар тарбияланди. Бундай мисоллар талайгина. Ҳокимнинг ХДП кенгашига таянишида гап бор. Ҳокимликнинг ўзида йигирма етти нафар ХДП аъзоси бўлиб, улар жами ходимларнинг 95 фоизини ташкил қилади.

— Қолаверса, давр олдимизга улкан вазифалар қўйяпти. Миллий истиқлол мафкурасини оммага тушунтиришда биз кимга суянамиз? Албатта, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига. Чунки, у ерда ишнинг кўзини биладиган, эл-юрт олдида обрў қозонган тажрибали кишилар ишлайди, дейди туман ҳокими.

Ногиронларни, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлашда ҳокимлик ва ХДП туман кенгаши ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширяпти. Кейинги уч-тўрт ой ичида боқувчисиз қолганларга тўрт юз минг сўмдан ортиқ ёрдам пули улашилди. Ногиронлар куни кенг нишонланди. Фахрийлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилибди.

— Биргина мисолнинг ўзи ҳокимлик ходимларининг бизга муносабати ва ҳамкорликни акс эттиради, — дейди туман кенгашининг иккинчи котиби Ҳасанбой Йўлдошев. — Туманимиз янги ташкил қилинган. Бошқа туманлардаги каби бизга ҳеч қандай бино мерос бўлиб қолмаган. Шундай пайтда ҳокимлик ёрдам қўлини чўзди. Ҳозир эгаллаб турган биномиз учун ижара пули тўламаймиз.

Ҳеч қайси жамиятда мафкура даромад манбаига айланмаган. Унинг нафи — халқ, миллат, ёшлар тарбиясида, аҳолининг кайфиятида ўз аксини топади. Туманда амалга оширилаётган ибратли ишларда ХДП аъзоларининг астойдил иштирокини шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

Икки йил олдин Фурқат тумани партия кенгаши таркибида 21 та бошланғич партия ташкилоти ва 1085 нафар аъзо бор эди. Бугун уларнинг сони 53 та бошланғич партия ташкилотига ва 1820 ХДП аъзосига етди. Сайловлар пайтида ана шу ХДП аъзолари ҳақиқий тарғиботчига айланадилар. Оқсоқоллар сайловида бу илк тажрибадан ўтди. Оқсоқолларнинг 85 фоизи ХДП аъзоларидан сайланди. Улар маҳалла қўмиталарида ҳокимлик ва Халқ демократик партияси олиб бораётган ишларнинг ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Олий Мажлисга сайловлар арафасида ҳудудий партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш асосий масалага айланиб турибди. ХДП туман кенгаши ва ҳокимлик ҳамкорликда сайловолди дастурини ишлаб чиққан.

Каримжон ака билан суҳбатимиз қизиб турганида телефон жиринглаб қолди. Нималарнидир гаплашгач, биринчи котиб менга юзланди:

— Кўрмайсизми, ука, яна ҳоким йўқлатибдилар. Маслаҳатлик иш бор экан...

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Яқинда Андижон шаҳрининг Бобур номидаги маҳалласида уста-ҳунармандлар растаси иш бошлади. Ҳозир мазкур расталар жойлашган кўчада 60 дан ортиқ ҳунармандлар, 50 дан зиёд усталар элга хизмат кўрсатишмоқда. Бу ерда пичоқдан тортиб бешиккача, умуман аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Бундан меҳнат аҳли мамнун.

СУРАТДА: мисғар Собирҳожи Тошматов набираси Ҳамидулло билан.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚИЗҒИН МУҲОКАМА

Йил якунига кўра Наманган вилоятидаги барча шаҳар ва туманлардаги меҳнат жамоаларида ва партия ташкилотларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессияси материаллари, хусусан, Президентимиз, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг нутқи муҳокама этилди. «1993 йил якуни ва сессия материалларидан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусидаги бундай йиғилишлар Наманган аврли тўқималар ва шойи ишлаб чиқариш бирлашмаларида кўтаринки руҳда ўтди.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Ён қўшни-жон қўшни, дейдилар. Чуст ва Косонсой туманларини худди шунга қиёс қилиш мумкин.

Яқинда икки қўшни туманларнинг ХДП вакиллари учрашдилар. Косонсойликлар Чуст туман кенгаши ҳамда ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари билан олиб бораётган иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Туман кенгашининг ижобий ишини шундан билмоқ жоизки, биргина шу йилнинг январь ойида партия сафи 110 нафарга ўсди.

ТАЪСИС АНЖУМАНИ

Намангандаги Ўзбекистон экология ва саломатлик «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими ташкил этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғи И. Нажмиддинов бўлимнинг жамоатчи раиси, узоқ йиллар партия раҳбари бўлган А. Ҳасанов эса ижрочи директори этиб сайландилар.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Мана ўлкамизда фасллар келинчаги баҳор бошланди. Одатдагидек бу гал ҳам кўкламда кўчат экиш қизғин бўлади. Айниқса, қурилишбоп терак экишга эътибор кучайди.

СУРАТДА: ёш табиатсеварлар ҳам кўчат экишга шайланмоқдалар.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган сурат.

ЯГОНА МУЛОҚОТ КУНИ

Самарқанд вилоят ҳокими ва ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси Республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Каримовнинг давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини такомиллаштириш борасидаги халқчил фаолияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида эришилаётган муваффақиятларни кенг оммага етказиш, халқ депутатлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, бошқа бўғинлардаги раҳбарларнинг меҳнаткашлар билан бевосита алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоятда Ягона мулоқот кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! Мамлакатимиз — Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигининг учинчи йилида, демократик жамият сари шаҳдам қадамлар қўймоқда.

Президентимиз Ислом Каримов бошлиқ ҳукуматимизнинг узоқни кўзловчи доно сиёсати республикада сиёсий ва иқтисодий барқарорлик вазиятини яратяпти. Янги хўжалик тузилмалари, бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётир. Юртбошимизнинг халқни ижтимоий ҳимояси борасидаги фармонлари одамларда эртанги кунга ишонч туғдирмоқда.

Ўтиш даври давлатимиз олдига кўпдан-кўп мураккаб вазифаларни қўймоқда. Уларнинг ечими ва равнақимиз кўп жиҳатдан элимиз ҳамжиҳатлиги, жипслиги, юксак ишлаб чиқариш суръатларига боғлиқ.

Яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрамига тайёргарлик, унинг юксак савияда ўтказилиши ана шу эзгу ниятларимизни амалга оширишда муҳим босқич бўлади.

«Юлдуз» бирлашмаси жамоаси «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида **19 март куни икки сменада шанбалик ўтказишга қарор қилди.**

Шу куни ишлаб топилган маблағ хайрия мақсадларига, жумладан «Наврўз», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Экосан» фондларига берилади.

Биз барча саноат корхоналари, транспорт, алоқа ташкилотлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини умумхалқ ҳашари ўтказишга ва ишлаб топилган маблағларни хайрия жамғармаларига ўтказишга даъват этамиз.

«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг умумий мажлисида қабул қилинган.

• *Мустақиллик уфқлари*

«АРГО»НИНГ ВАЛЮТА ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Жумҳуриятимизда қўшма ва хусусий корхоналар сони тобора кўпайиб боряпти. Бунга жумладан, навқирон Навоий вилоятининг Нурота туманидаги «Арго» кичик корхонасини кўрсатиш мумкин. Кичик корхона 1992 йил бошида ишбилармон мутахассис Ражаббой Ҳақназаров ташаббуси билан иш бошлади. «Янги замон» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси филиали саналади.

Хўш, корхона нима ишлаб чиқаради? «Арго» қўй терисини қайта ишлашга ихтисослашган. 1993 йилнинг ўзида корхона жамоаси 8 мингдан ортиқ терини қайта ишлаб, қарийб 16 миллион сўмлик даромад кўрди. Фойда 3 миллион сўмга етди.

Бозор муносабатлари даврида бу маблағ — дарёдан томчи, албатта. Бироқ нима бўлганда ҳам республикамизда терини қайта ишлаб, кўн пиширадиган заводлар бармоқ билан санарли бўлган бир пайтда нуроталиклар хайрли ишга қўл уришди. Бунинг устига Нурота қоракўлчилик тумани саналади. Шундай экан, мазкур туманда қўй териси ҳам, жун ва қоракўл тери ҳам бисёр.

Қоракўл терининг бозори чаққон. Қўй териси нархи ошган бўлса-да, ҳали ҳам арзон — 300—400 сўмдан ошмайди. Шундай бўлгач, қайта ишлов берилгани маъқул-да! Шу мақсадда катта қийинчиликларга қарамай, бу кичик корхонага асос солинди. Дастлаб корхона жамоаси қатор муаммоларга дуч келди. Жумҳуриятимиз вилоятларидаги қатор корхоналар, жумладан «Гигант», «Рустам», «Камолот», «Алянга» каби турдош корхоналар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилгач, туб бурилишга эришилди. Айниқса, Фарғона пойабзал фабрикаси билан шартнома имзолангач, корхона истиқболи яқколроқ намоён бўла бошлади.

Худди шу ҳамкорликлар, алоқалар боис корхонада кўн пиширишгина эмас, балки қоракўл териларни ҳам қайта ишлаш ўзлаштириб олинди. Хом ашё етказиб бериш юзасидан туман тайёрлов идораси, «Ўзбекистон», «Ғозғон», Файзулла Хўжаев номли давлат хўжаликлари билан шартнома тузилди. Улар режадан ортиқча хом ашёни корхонага мунтазам бериб туришади.

Ҳозирча корхонада ҳар куни ўртача юз дона терига қайта ишлов бериляпти. У тўла қувватда ишлайдиган бўлгач, бу кўрсаткич кунига 1500 донага етади. Чунки корхонада ишлаб чиқариш билан бир қаторда қурилиш, таъмирлаш ишлари давом этяпти. Бунинг устига Италиядан 100 дона замонавий тикув машиналари ва бошқа асбоб-ускуналар келтирилиши мўлжалланяпти. Бу эса тезроқ жаҳон бозорига чиқишга ёрдам беради.

Корхонанинг эртаси хусусида қисқача тўхталадиган бўлсак, келгусида бу ерда 300 нафар хотин-қиз ишлаши кўзда тутилган. Бу ҳозирги жамоа 6 баравар кўпаяди дегани. Ўшанда уйда ўтириб қолган қиз-жувонлар ҳунарли бўлишади. Корхонанинг имкониятларини ошириш, унинг тезроқ жаҳон майдонига чиқишини таъминлаш бош масала бўлиб турибди. «Арго»нинг валюта, доллар ишлаш вақти келди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





Оқолтин туманидаги Бобур номли ширкатлар уюшмаси жамоаси ўтган йилни ҳамма соҳа бўйича ютуқлар билан нишонлади. Айниқса, пахтачиликда эришилган ютуқлар салмоқли. Пахтакорлар бу йилги мавсумга ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Марказий устахонада барча техника воситалари тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Юқоридаги суратда: илғор механизатор Эдем Ибодуллаев ва ширкат раиси Асан Халитов таъмирлаб бўлинган техника ёнида.

Шу хўжаликнинг чорвадорлари ҳам ибратли ишларни амалга оширишяпти.

Пастдаги суратда: молбоқар Абдумалик Зайриев, ферма мудири Эркин Бийтўраев ва молбоқар Шодиёр Усмонов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Хоразм вилоят Янгиариқ тумани марказий кўчаларида қад ростлаган хусусий дўконлар бугун харидорлар билан гавжум. Қайси бир харидор билан учрашманг, улар Раззоқберган Қўчқоровнинг номини ҳурмат билан тилга олди. Чунки унинг шахсий дўконида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган юз турдан ортиқ

ХАРИДОРЛАР МИННАТДОР

моллар савдо расталарини тўлдириб турибди.

Шуниси диққатга сазоворки, Раззоқберган ака ва унинг ўғиллари фақатгина олди-сотти ишлари билан чекланиб қолмаган. Улар шахсий дўконнинг иккинчи қаватида 20 кишига мўлжалланган тўқув ва тикиш цехларини ишга тушириш арафасида. Ҳозир бу ерда дастгоҳларни ўрнатиш ишлари давом этаяпти. Цехлар ишга тушгач, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар биринчи қаватдаги дўконда сотилади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ажаб савдолар*

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларга кенг миқёсда эркинлик бераётир. Маҳсулот турларини белгилашдан тортиб, уни сотиш, хом ашёга айрибошлаш, ўзга корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, янги технологияни жорий этиш энди жамоаларнинг ихтиёрида. Бу эркинликларнинг замиридаги мақсад битта — соғлом рақобатга асосланган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва шу орқали халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Бироқ айрим корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар республикамиз қонунлари ва бошқа ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлардан айри мақсадларда фойдаланишга ҳам уринмоқдалар. Хусусан, нарх снёсатини бузиш ҳисобига манфаат кўриш ҳоллари юз бермоқда. Жиззах вилоят молия бошқармаси бошлиғининг муовини—монополияга қарши ва нарх снёсатини олиб бориш бўлимининг бошлиғи Сулаймон БОЛАБЕКОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

ЭРКИНЛИК— ЎЗБОШИМЧАЛИК ЭМАС

— Нархлар бузилишининг асосий омилларидан бири шундаки, — дейди С. Болабеков, — кўпгина корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарган маҳсулотларига шартномавий (эркин) нарх белгилаш ҳуқуқидан нотўғри фойдаланиб, ўз молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини нархларни сунъий ошириш йўли билан яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш учун тузилган калькуляцияга хом ашёнинг, бошқа қўшимча харажатларнинг қиймати асоссиз равишда оширилган ҳолда киритилади ва натижада ўша маҳсулотнинг нархи ошиб кетади.

Ўтган йили бу борада 600 марта текшириш ўтказдик ва корхона, ташкилот, хўжаликларнинг 314 тасида ёки 52,5 фоизида нарх снёсати қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Давлат бюджетига 122,5 миллион сўмга яқин маблағ ундириб олинди. Шундан 61 миллион сўмга яқинини жарималар ташкил этади.

— Текшириш ўтказилган саноат корхоналарининг 45 тасида, савдо ташкилотларининг 146 тасида, умумий овқатланиш тармоқларининг 33 тасида, тайёрлов ташкилотларининг 23 тасида, шу жумладан, 10 та хўжаликда ўзбошимчалик билан нарх белгилаш ҳоллари аниқланган экан. Шулардан энг диққатга сазоворларини шарҳлаб берсангиз.

— Жиззах шаҳридаги аккумулятор ишлаб чиқариш корхонасида 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида сотилган маҳсулотларнинг таннархи 18,6 фоизга ошган. Рентабеллиги эса режадаги 25 ўрнига 75 фоизга кўтарилган ва фойда 356 фоизни ташкил этган. Текширишда аниқланишича, бу «иқтисодий юксалишнинг» боиси шунда эканки, корхона раҳбарияти республикадаги бошқа корхона ва ташкилотлар билан келишув баённомаси тузмасдан, ўз билганларича ишлаб чиқарган маҳсулотларини 2—3 баравар қимматга сотган ва 25 та буюртмачидан 24 миллион 761 сўм миқдорда ошиқча пул ундирган.

Вилоят «Сув—оқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ичимлик сувига белгиланган шартномавий нархни ошиқча ҳисоблаб, истеъмолчилардан қўшимча 14,5 миллион ўмарган бўлса, вилоят «Агротаъминот таъмирлаш» бошқармасига қарашли Жиззах туманлараро ишлаб чиқариш таъминоти бирлашмасида сотилган маҳсулотларнинг улгуржи нархига қўйилган устамаларни нотўғри қўллаш йўли билан жами 7 миллион сўмдан ошиқ. Дўстликдаги худди шундай бирлашма эса 5 миллиондан ошиқ қўшимча даромад топган.

Дўстлик дон маҳсулотлари корхонасида омухта ем учун эркин нарх белгилашда қўшимча қиймат солиғи 25 ўрнига 30 фоиз ҳисобланиб, жами 1000 тонна омухта ем 419 минг сўм ошиғига сотилган. Омухта емнинг нархини ўз хоҳишлари билан тўғридан-тўғри ошириш йўли билан эса корхона ғазнасига ноқонуний равишда 1 миллион 335,5 минг сўм туширилган.

Худди шу хилдаги ўзбошимчаликлар вилоят «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш концерни корхоналари, «Ўзбекенгилсаноат» ассоциациясига қарашли Жиззах трикотаж, пайпоқ тўқув фабрикасида ҳам содир этилган. Ульяново ва Учтепа пахта тозалаш заводларида эса хўжаликларга уруғлик чигит сотишда нархларни ўз хоҳишларича оширишга йўл қўйилган.

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш билан шуғулланадиган хўжалик ва ташкилотларда нарх снёсатининг бузилаётганини ҳам изоҳлаб берсангиз.

— Шу хилдаги корхона ва хўжаликлар ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 январь қарори кўрсатмаларини тўғридан-тўғри бузмоқдалар. Етиштирилган маҳсулотларнинг 50 фоизини чегараланган, шартнома нархларида сотиш ўрнига, ўзлари хоҳлаган нархда сотаётир. Жиззах туманидаги «Олтинсой» жамоа хўжалигида майизнинг ҳар бир килограмми 116 сўм 86 тийин ўрнига 250 сўмдан, олма қоқи 24 сўм 92 тийин ўрнига 150 сўмдан сотилган ва 307,9 минг сўм даромад олинган. Арнасой туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалигининг шу йўл билан топган фойдаси эса салкам бир миллион сўмни ташкил этади.

Вилоят «Мевасабзавотузумсаноат» бирлашмасига қарашли Арнасой тумани тайёрлаш ва сотиш корхонасида мол айрибошлаш йўли билан олинган 347 дона кир ювиш машинаси Жиззах савдо харид базасига ҳар бири 4309 сўм ўрнига 5547 сўмдан, 86 тонна арматура эса Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги ташкилотга 19200 сўм ўрнига 29 минг 69 сўмдан пулланган. Бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Бевосита савдо билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолиятида бу борада аҳвол қандай?

— Вилоят ҳудудидаги 305 та савдо ташкилотлари ва уларга қарашли шохобчаларнинг 146 тасида давлат нарх интизоми ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳоллари аниқланди. Устама нархларни нотўғри белгилаш ва қўллаш натижасида харидорларнинг 2 миллион 214 минг сўм пулига хиёнат қилинган.

Ҳатто, Мирзачўл матлубот жамияти ходимлари божхона томонидан мусодара қилинган молларни сотишда ҳам асоссиз равишда 15 фоиз устама қўллаб, 355 минг сўм қўшимча фойда олган.

— Республика Президенти И. А. Каримовнинг шу йил январь ойида чиқарган тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш ҳақидаги фармони тадбиркорларга кенг миқёсда эркинлик бераётир. Бу эркинликлар энди нархни белгилашга дахл қиладими, йўқми?

— Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бошқа мамлакатлар билан хусусий савдо алоқаларини йўлга қўйиш, албатта, бозорларнинг тўкин-сочин бўлишига хизмат қилади. Бироқ, нарх белгилаш борасида ҳозирча назорат сақланиб қолади. Пайти келиб, жами ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар давлат тасарруфидан тўла-тўкис чиққач, нарх-навони бозорнинг ўзи тартибга соладиган шароит вужудга келса, эҳтимол, бизнинг аралашишимизга, назоратимизга эҳтиёж қолмас.

Суҳбатдош:
Бахтиёр РИЗАЕВ.

• *Қадриятларимиз*

ТАЪЗИМ ҚИЛМАЙ БЎЛАДИМИ?

ЕКИ ЧЕЛАКДАГИ ОҚТЕПА ҚИШЛОҒИ АҲОЛИСИНИНГ САВОБЛИ ИШИ ҲАҚИДА

Савобли ишнинг қолипи бўлмас экан. У кўнгилдан кўнгилга ўтиб, эзгулик уруғин сочар, қалбда ҳаётбахш туйғулар уйғотар. Садоқат, ишонч каби фазилатларни барқарор этади.

Арик бўйларида ялпиз ниш урганда оқтепаликлар ана шундай ишга қўл урдилар. Қишлоқ клуби одам билан лиқ тўла. Улар бу ерга ҳамқишлоқлари — марҳума Турдихол Рустамованинг хотирасини ёдлашга йиғилган эдилар.

Йўқ-йўқ, Турдихол танилган санъаткор эмас. У бор йўғи 28 йил умр кўрди. Лекин ўзининг сеҳрли қўшиқлари билан қалблардан муносиб жой олишга улгурди. Тўю маъракалар, клубдаги тадбирлар Турдихолсиз ўтмасди. У қўшиқ айтганда одамларнинг вужуди қулоққа айланарди. Шу боис Турдихолдан қолган ягона мусиқий ёдгорлик «Дугоҳ» ашуласи ёзилган магнит тасмаси қўйилганида залда ўтирган каттаю кичикнинг кўзида ёш қалқди. Гўё хонанда саҳнага чиқиб, «Мурувватли бағрингиз учун раҳмат, яхши одамлар!» деяётгандек...

— Дугонамда худо берган қалб, иқтидор бор эди, — дейди Истамой Мухторова.— У қўшиқ айтганда ҳамма нарсани унутиб қўярди. Ўн йил бирга ўқидик, бирга катта бўлдик. Шу давр ичида бирор кишининг кўнглини қолдирган эмас. «Марҳабо, талантлар!» фестивалларида қўшиқ айтганида зал титраб кетарди. Умри қисқа экан бечоранинг. Бутун қишлоқ йиғилганди жанозасига.

Халқ меҳри, садоқати — яхшиликка қўйилган ўчмас ҳайкал. Т. Рустамова ана шундай шарафга муяссар бўлган эди. У 1985 йил саратонининг биринчи ҳафтасида жон берди. Қўлидаги олти ойлик Гўзали чирқираб қолди. Ойимхол момо эса суратдек қотган...

— Во болам, қўшиқ айтган одам ҳам ўлама!?

Ўшанда амбулаторияда ҳамшира бўлиб ишлайдиган Малика ҳаммадан кўп ўксиганди.

— У киши билан опа-сингил бўлиб қолгандик. Ҳар гал хафа бўлганимда «Куйгай»ни айтиб беринг», дердим. Раҳматлик ёниб куйлардилар. Ҳамма ишини қўйиб, қўшиқ эшитарди. Тақдир экан, ўрнига келин бўлиб тушдим. Болаларидан меҳримни дариғ тутмадим. Ҳозир Сайёрамизнинг чақалоғи бор. Турдихол опамнинг онаси, ака-укалари келиб-кетишади. Улар учун ҳамиша эшигимиз очиқ...

Оқтепа клубида бўлган гапларни қоғозга сиғдириб бўлмас. Турдихолнинг устозлари, дўстлари, синфдошлари, ҳамкасблари у ҳақда бир томондан армон, алам, иккинчи томондан эса фахр билан қалби тўлиб сўзладилар. Эҳ, Рустам ака кўрмади-да, бу кунни! У киши бултур бандаликни бажо келтирдилар. Ўриш ва Эшмамат опаси хотирасига қўшиқ куйлаганларида фақат кўзлардангина эмас, юраклардан ҳам ёш қалқиб кетди...

...Қўшиқлардай ўлмасангиз нетарди...

«Дугоҳ» қўшиғи ёзилган тасма Турдихолдан ёлғиз ёдгорлик. Унинг ҳаётини фарзандлари Сайёра, Сарвиноз, Элёр, Гўзаллар давом эттиришмоқда. Сайёрада худди онасиникига ўхшаш ёқимли овоз бор. Фақат у бугун кишилар бағрини тирнаб қўшиқ айтмоқда:

Дунёда энг азиз онанзорим,
Онам менинг учун юракда борим.
Орзулари армон бўлган онажон,
Фарзандлари гирён бўлган онажон.
Нетай, хотирангга шеърлар битарман,
Тақдиринг ҳеч кимга насиб қилмасин.
Ўзинг шафқат қилгин,
ёлғиз Оллоҳим —
Дунёда ҳеч бевақт Она ўлмасин!

Шеърни Сайёранинг ўзи битган. Соғинчи, меҳру муҳаббати қирғоқдан тошганда битган бу оташ сатрларни!

Қишлоқ аҳли қариндошларига билдирмасдан Турдихолнинг фарзандларига бериш учун бироз пул йиққан экан.

— Опамизнинг фарзандлари ишончли қўлларда, — деди катта укаси Қўниш. — Мурувватларингиз учун раҳмат. Фақат бу маблағни мана шу клубимизни созлашга ва бу ерда худди шунга ўхшаш тадбирларни ўтказишга сарфлашларингизни илтимос қиламиз...

— Қандай саховатли, бағри кенг халқимиз бор, — деди бу гаплардан тўлқинланиб кетган туман ҳокими Абдушукур ака Муҳаммадқулов. — Таъзим қилмай бўладими бундай одамларга! Мен эртагаёқ тумандаги мажлисда оқтепаликларнинг савобли ишларини айтаман. Иложи борича ҳар қишлоқда ўтказамиз бундай тадбирларни.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тўрткўл нон комбинати бир кечакундузда 26 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб аҳолига етказиб бермоқда.

СУРАТДА: ишчи Муҳаммад Бўзов билан бўлим бошлиғи Султон Маҳмудов тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ ВА ҲУҚУҚ БЎЛИМИ МАСЛАҲАТХОНАСИДАН

Кундалик ҳаётимизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқи билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар учраб туриши ҳеч кимга сир эмас. Аммо фуқароларимиз ҳозирги қонунлардан етарлича хабардор бўлмаганликлари, жойларда ҳуқуқий тарбиянинг бўш йўлга қўйилгани сабабли ҳам ҳар хил чигалликлар рўй бермоқда.

Муштарийларимизнинг таклиф ва истакларини инобатга олиб, парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлимининг маслаҳатхонасини очишга қарор қилдик. Унда сиз ўзингизни қизиқтираётган, ўйлантириб келаётган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

САВОЛ: Мен бир кун ишга чиқмаганим учун прогул деб айб қўйишиб, ишдан бўшатиб юборишди. Бу воқеадан анча вақт ўтди. Айтингчи, энди судга мурожаат қилсам бўладими?

К. АҲМЕДОВ. Тошкент шаҳри.

Жавоб: Меҳнат низосини ҳал қилиб беришни сўраб туман (шаҳар) судига мурожаат этиш муддатлари янги қоидада аниқ белгилаб берилган.

Ходим ўз меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигини билган кундан эътиборан уч ой муддат ичида, ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхаси олинган ёки меҳнат дафтарчаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ариза топшириши лозим.

САВОЛ: Мен ўз хоҳишим билан заводдан бўшаб бошқа ишга ўтмоқчи бўлиб маъмуриятга ариза билан мурожаат қилсам, икки ой ишлаб беришинг шарт, деган талаб қўйишди. Маъмуриятнинг шу тутган йўли тўғримми?

А. ҚОСИМОВ, Андижон шаҳри.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуининг 38-моддаси томонидан қўйилган шартга кўра аввалари ходимлар номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини маъмуриятга икки ой олдин ёзма равишда хабар бериб бекор қилишга ҳақли ҳисобланарди.

Энди эса шу модданинг (биринчи ва иккинчи қисмлари) янги таҳририда шу нарса белгилагандики, ходимлар номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини (контрактни) маъмуриятни икки ҳафта олдин огоҳлантирган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

САВОЛ: Мен ногирон болани тарбиялаяпман. Кичик корхонада ишлайман. Бизга ўхшаш аёлларга қўшимча дам олиш кунлари бериладими?

А. НАБИЕВА, Ангрен шаҳри.

Жавоб: Янги қонун кучга кирганидан (1993 й. 3 декабрь) эътиборан ногирон болалар тарбиялаётганингиз учун сизга ёки турмуш ўртоғингизга у 16 ёшга тўлгунига қадар ойига қўшимча ҳақ тўланадиган (суғурта маблағидан) бир дам олиш куни берилади.

Бундай имтиёздан ногирон боланинг ҳомийлари ҳам фойдаланадилар.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ. Шайхонтоҳур туманида бир аёл ушланди. Унинг ёнидан жиноятчилигини тасдиқловчи ашёвий далил топилди. Салкам бир кило гиёҳванд модда — «наша» олиб юрган экан.

Самарқанд вилояти Ургут туманида яшовчи бу аёлнинг кирдикори терговда аниқланади.

* * *

НАМАНГАН. Шаҳардаги ёнилғи қуйиш шохобчаларидан бирида оператор бўлиб ишловчи Э. Мадинжонов ички ишлар бўлимига арз қилди. Қандайдир номаълум шахс унинг иш жойига келиб, ундан бир миллион сўм талаб қилаётган экан. Мабодо у пулни топиб бермайдиган бўлса, иши чатоқ бўлишини айтибди. Тезкор гуруҳ бу кимсанинг тузоққа туширишни режалаштириб олди.

21 ёшли йигит шу тарзда қўлга олинди. Энди у «миллион» тарихини терговчига айтади.

* * *

САМАРҚАНД. Шаҳар касалхонасига кўкрагидан яраланган йигитни олиб келдилар. Шифокорларнинг малҳами ҳам унн ўлимдан сақлаб қололмади. Эндигина 26 ёшга қадам қўйган йигитнинг қотили шаҳарнинг Луначарский кўчасида яшовчи 30 ёшли ногирон киши бўлиб чиқди.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги Марказий универсал дўкони сотувчиси пул топишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. У «лаҳзада миллион» лотереясини сотиб олди. Худо беришига салгина қолганидан бир қувониб, бир... ачиниб типирчилаб қолди. Сўнг 15 миллион рақамини қалбакилаштирдию, ўз «ютуқли» лотереясини Қарши шаҳар жамғарма банкининг 12/87 бўлимига топшириб юборди.

У ерда ўтирганлар ҳам анойи эмасди. Ушбу далил юзасидан текширув ишлари бошлаб юборилди.

* * *

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукус шаҳрида 13 февраль куни О. Улукпановга нисбатан талончилик содир этган жиноятчи ушланди. У муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган 35 ёшли Ю. Ж. бўлиб чиқди.

* * *

НАВОИЙ. Икки кам саксон яшар кампирнинг жасади ўз уйидан топилди. Жиноятчи унинг бўйнига уч маротаба пичоқ урган. Кампирнинг қотилини топдилар. У Навоий шаҳрида яшайди. Ёши йигирма тўртда.

* * *

ФАРҒОНА. Фурқат темир йўл бекатида 30 ёшлар чамасидаги кишининг сумкасидан салкам беш кило наша топилди.

* * *

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИнинг Қуйичирчиқ туманида яшовчи Шевченконинг уйига босқинчилик содир этганлар тузоққа илинди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу икки шахснинг иши терговга оширилди.

* * *

ЖИЗЗАХ. Эндигина 19 ёшга тўлган Эгамбердиевга пичоқ билан тан жароҳати етказган шахс дарров топилди. Ситам етказган жиноятчи ҳам у билан тенгдош йигит экан.

• Боқий шажара

ЭФТАЛИТЛАР

(ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛА)

Милодий V асрга келиб Марказий Осиё сиёсий майдонига янги бир куч — Эфталитлар сулоласи чиқади. Улар то VI аср иккинчи ярмига қадар минтақа сиёсий ҳаётида етакчилик қиладилар. Шунинг учун давлатчилигимиз тарақ қиётидаги мазкур босқични табиий равишда Эфталитлар номи билан боғлаган ҳолда Эфталитлар давлати даври, деб биламиз.

Эфталитлар кимлар? Уларга оид қатор маълумотларни биз хитой, ҳинд, форс, араб, арман, сурия, лотин манбаларидан топишимиз мумкин. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, уларнинг ҳаммасида ҳам Эфталитлар атамаси учрамайди. Сабаби ҳар бир тил ва ёзувнинг ўз хусусиятлари бўлишида. Масалан, хитой манбаларида Эфталитларни ида, йеда, идан, идян атамалари остида келишини кузатиш мумкин. Сурия ва лотин манбаларида эса эпталит, эфталит, абдал; арман ёзувларида идал, тетал, хептал; араб ва форс муаллифлари наздида ҳайтал, йафтал, хетал; ҳинд манбаларида ҳуна ва ҳоказо.

Хитойлик муаллифлар Эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср) «эфталитларни ҳунлардан» деб кўрсатар экан, «улар (яъни эфталитлар) ҳунлардандир, таналари (эса) оқ» аниқлигини ҳам киритиб ўтади. Оқ ҳуна, яъни эфталитлар ҳақидаги маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам бор. Паҳлавий ёзувида битилган «Бахман-Яшт»даги Сосонийларнинг Эфталитлар ва бошқалар билан муносабатига доир қуйидаги тарихий тасдиқлар эътиборни тортмай қолмайди. «(Эрондаги) подшоҳлик ва олий ҳокимият эроний бўлмаган қулваччаларга, яъни, хион, турк, ҳафтал (эфтал), тибетликлар... қўлига ўтди. Улар менинг ватаним Эронда подшоҳ бўлдилар». Кўриниб турганидек, Эфталитлар тўғридан-тўғри туркий шажарага боғланяпти. Баъзи бир тадқиқотларда эса уларнинг келиб чиқишини эроний халқлар билан боғлашга уриниш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ерда биз Марказий Осиё халқларининг мазкур давр этногенези масаласига тўхтаб ўтишни лозим топмаймиз. Аммо бизга маълум ва ихтиёримизда бўлган бирон-бир манбада Эфталитларнинг эроний халқлар жумласига киргани ё бўлмаса шунга бирон ишорани учратганимиз йўқ. Бунинг устига юқорида тилга олганимиз «Бахман-Яшт»да лўнда қилиб Эфталитлар эроний эмас, деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга биз бошқа бир масалага диққатни жалб этмоқчимиз. Хитой манбасидаги қуйидаги гувоҳликка эътиборни қаратайлик: «Идан (Эфталитлар) сулоласи Хан сулоласи давридан маълум Катан Юечжи авлодларидан... Дахя (Бақтрия) бу Тухола (Тоҳаристон) демакдир. (Бу ерлик) ҳукмдорнинг номи Йедэ (Эфтал, Эфталан, Эфталит) бўлган. (Кейинчалик) унинг авлодлари (бу) номни давлат номига айлантириб юборганлар. Урф-одатлари тукюеларникидай (туркларникидай)... ҳарбий аскари беш олти минг кишидан иборат». Мазкур қимматли маълумотлар Эфталитларнинг давлат бошқарувидан четлаганларидан кейинги дастлабки даврда ёзилган манбадан. Шу қабилдаги далилларни ўзида жо этган бир қатор бошқа манбалар таҳлили шундай хулосага олиб келадики, Эфталитлар Марказий Осиё минтақасида яшаб келган қадимий уруғ, сулолалардан бўлиб, V асрда тегишли шароит туғилиши билан сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга муваффақ бўлганлар. Биламизки, сўнгги Кушонлар даврида давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ташқи муносабатлардаги таъсири заифлашиб борган. Ажаб эмас, бундай ҳолатдан норози ва аксинча мазкур соҳаларда, айниқса ташқи муносабатлардаги фаолликдан манфаатдор ўлка сиёсий ва савдо доиралари Эфталитларнинг олий ҳокимиятга интилиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлар. Зеро, мамлакат ўз тараққиёт йўлида тўхтаб қолмаслиги учун қатъий сиёсатчилик фаолияти зарурлиги барчага аён нарса. Ана шу тарихий вазифани уддалаш V аср иккинчи ярмида Эфталитлар, хитойлик тарихчилар тили билан айтганда, Эфтал (Эфталан) авлодлари бўйнига тушган. Улар олий ҳокимиятни қўлга киритгач ўз сулолалари (давлатлари) номини боболари номи билан безаганлар. Бунга ўхшаш ҳолларни биз минтақа тарихида кўплаб учратишимиз мумкин: Сомон — Сомонийлар, Салжуқ — Салжуқийлар, Темур—Темурийлар ва ҳоказо (византиялик Феофаннинг ёзишича, Эфталитлар атамаси шу сулола сардори Эфталан номидан келиб чиққан экан). Шуни ҳам қатъий тасаввур қилиш мумкинки, Турк хоқонларидан мағлубиятга учраганларидан кейин ҳам Эфталитлар хонадони ўз доирасидаги фаолиятни давом эттираверган. Юқорида тилга олинган беш-олти минг аскар худди ана шу «тахтдан тушган» даврга тегишли бўлиши керак. Эфталитлар сулоласининг VII асрда ҳам барҳаётлигини шундан ҳам билса бўладики, хитой манбаларига кўра 605—616-йиллар оралиғида улар Хитой ҳукмдори саройига ўз элчиларини юбориб турганлар. Афтидан, бу Эфталитларнинг давлат тепасида турган вақтларидаги Хитой билан ўрнатган ўзаро сулолавий алоқаларнинг давоми бўлиши керак.

Шундай қилиб V асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Марказий Осиё сиёсий ҳаётида Эфталитлар хонадони муҳим ўрин тута бошлайди. Бу йилларда IV асрдаёқ заифлашиш йўлига кирган Кушонлар салтанатининг ғарбий сарҳадлари Сосонийлар таҳдиди остида қолган давр эди. Шунинг учун Эфталитларнинг Сосонийлар билан кескин муносабатларга киришишлари табиий бир ҳол ҳисобланган. Гарчи икки томон ўртасидаги биринчи тўқнашувлар V аср 30-йилларидаёқ содир бўлган бўлса-да, аммо ҳал қилувчи курашлар Сосоний ҳукмдор Пероз (Фируз) даврига (459—484) тўғри келади. Таҳминан 457-йили Вахшунвар (Ахшунвар) бошлиқ Эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вилоятининг Термиздан юқори қисмлари), Тоҳаристон. Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Бир оз вақт ўтгач, яъни 459 йили Эрон тахтига тилга олганимиз Пероз чиқади. Манбаларда Перознинг олий ҳокимиятга келиши Эфталитлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Нафақат Пероз, балки унинг акаси Хўрмузд (457—459) ҳам Эфталитлар ёрдамида тахтни қўлга киритгани маълум. Эфталитлар ва Сосонийлар ўртасидаги бу каби муносабатлар сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки Хўрмузд ва Пероз ўз вақтида тахт вориси сифатида Сосонийлар давлатининг шарқий вилоятларини (Сеистондан Марғиёнагача бўлган ҳудуд) бошқарганлар (Хўрмузд 420—457-йиллари; Пероз 457—459-йиллари). Шу муносабат билан қўшни ўлка сиёсий, савдо доиралари билан яқиндан муомалада бўлганлар. Бу яқинлик қай даражада бўлганлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, улар, яъни Сосонийларнинг мазкур ҳудудларини бошқарган тахт ворислари «Кушон ҳукмдори» унвонига эга бўлганлар. Бу билан маълум вақт муқаддам Кушонлар эгалик қилган вилоятлар устидан ҳукмронлик ва қолганларига даъвогарлик англашилган. Шу ерда паҳлавий ёзувида битилган «Ардашир Побаконнинг улуғ ишлари» (тахминан V—VI асрлар) асарида Сосонийларнинг келиб чиқишини Ашракийлар (Дахлар ва Парфия) билан Хитой манбаларида эса юечжилар билан боғлашга доир ҳолларни эслаб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мазкур гувоҳликлар ҳатто афсонавор бўлганида ҳам, Сосонийларнинг Марказий Осиё билан яқинлиги кўзга ташланиб турган ҳол. Бунинг исботини Эфталитларнинг Хўрмузд ва Перознинг Эрон тахтига чиқишда кўрсатган ёрдамларида ҳам кўриш мумкин. Фараз қилиш мумкинки, бу сиёсий тадбирдан нафақат Эфталитлар, балки минтақа савдо-иқтисодий доиралари ҳам манфаатдор бўлганлар. Афтидан мўлжалга кўра Шарқий Туркистондан Рим салтанатигача бўлган улкан ҳудудни яхлит иқтисодий-савдо маконига айлантириш асосий мақсад бўлган. Ўз ўрнида Пероз Эфталитларнинг кучайиб боришини вақтинчалик деб билиб улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо Эфталитлар қудрати ошиб тез орада улар Сосонийларга ҳам қарши туришларини англаган Пероз Эфталитларга қарши жангга киради.

Аммо дастлабки тўқнашувлардаёқ Пероз Эфталитлар томонидан асирга олинади. Византия ҳукмдори ўртага тушиб уни тутқинликдан озод қилишга эришади. Шунга карамай Пероз яна Эфталитларга қарши ҳарбий юриш уюштиради. Бу сафар ҳам қўлга тушган Пероз ўттиз хачир кумуш дирҳам эвазига қуйиб юборилади. Бундан ташқари, у ўз ўғлини гаров сифатида қолдириб икки йил давомида Эфталитларга ўлпон тўлаб туришни ҳам бўйнига олади. Кўп ўтмай 484-йили Пероз византияликлар ёрдамида учинчи марта Эфталитлар билан жангга киради. Бу сафар нафақат Сосонийлар лашкари, балки Перознинг ўзи ҳам ҳалокатга учрайди. Сосонийларга яна катта ўлпон солинади. Шу давр тарихчиси далолат беришича, Эфталитларнинг ҳайбатли ва қудратли қўшини Сосонийлар давлати аҳлида жуда катта таассурот қолдириб, ҳатто «тинчомон дамларда ҳам бирон кимса қўрқувсиз юрак ютиб Эфталитлар (намояндаларига) боқиш ё бўлмаса улар ҳақида даҳшатга тушмай (сўзлаш ва) эшитишга журъат қилолмасди».

VI аср бошларига келиб Эфталитлар тамом минтақада ўз ҳукмронликларини ўрнатишга муваффақ бўлгандилар. Улар қўл остида бирлашган ҳудуд Кушонлар салтанати майдонидан ҳам катта эди: Шарқий Туркистондан Шарқий Эронгача, Каспий денгизидан Шимолий Ҳиндистонгача. Хитой муаллифи тили билан айтганда «Кангюй (Хоразм, Сугд, Шош), Хўтан, Шалэ (Кошгар), Анси (Парфия) ва ўттизга яқин бошқа (катта)-кичик вилоятлар Эфталитлар ҳукмдорига қарам» бўлган.

Эфталитлар салтанати VI асрнинг иккинчи ярмига қадар ҳукмфармо бўлди. 563—567-йиллари кечган оғир курашлардан сўнг улар минтақа сиёсий ҳаётини бошқариш ишини ўлканинг Олтой қисмидан чиққан янги сиёсий куч — Турк хоқонларига топширишга мажбур бўладилар.

Эфталитлар салтанати (давлати) бошқарувига оид нималар дейиш мумкин? Афсуски бу борадаги ёзма маълумотлар тўлиқ эмас. Шундай бўлса-да византиялик Прокопийнинг (VI аср) қуйидаги шарҳи кўп нарсага ишора бўлса керак: «Эфталитлар (салтанати) бир ҳукмдор орқали идора этилиб, ўз қонуний (адолатли) давлатчиликларига эгадирлар. Ўзаро ва қўшнилар билан (муносабатларда) адолат меёрини сақлашда византияликлар ва форслардан ҳеч бир қолишмайдилар». Демак, Эфталитлар даврида ҳам Кушонлар давридаги каби салтанат якка ҳукмдор томонидан бошқарилган. Хитой манбаларига кўра тахт отадан болага қолмай, шу сулоладан ким лойиқ, деб топилса ўша тахтга ўтирган. Демак, ана шу номзодни аниқлаб тақдим этадиган қандайдир бир кенгаш ҳам мавжуд бўлган. Бу кенгаш сулоланинг мўътабар намояндалари ҳамда салтанат арконларидан иборат бўлган бўлса ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, бундай улкан салтанатни бошқаришда юксак даражада фаолият кўрсатувчи марказий ҳокимиятга эришиш қийин. Шунинг учун Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ҳудудларида ва эҳтимол бошқа баъзи вилоятларда ҳам бошқарув Эфталитлар номидан маҳаллий хонадонлар (сулолалар) томонидан олиб борилган. Фикримизча, минтақа давлатчилик (салтанатчилик) тарихида истифода этиб келинган сатрапиялик бошқаруви, яъни марказий ҳокимият ноиблари орқали идора этиш усули ҳам бу вақтда ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиши керак.

Эфталитларнинг пойтахти қаерда бўлгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Баъзилар Пойкентни кўрсатса, бошқалари Бадахшонда деб биладилар. Фикримизча, бу даврдаги минтақа марказини аниқлашда баъзи бир тарихий анъаналарни ёдда тутилса ёмон бўлмайди.

Манбаларда келтирилган Эфталитлар «шаҳарли сулола», ё бўлмаса «улар кўчманчи, ёзда салқин, қишда илиқ ерларда» туришларига оид қарама-қарши маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Эфталитлар дастлабки йиллардан то тамом минтақа узра қатъий сиёсат ўрнатгунга қадар ҳам анъанавий яшаш тарзи, ҳам шароит тақозосига кўра марказлардан четда турган ҳолда бошқарув ишларини олиб борганлар. Бориб-бориб эса улар марказий ва катта шаҳарларда ҳам ўз қароргоҳларига эга бўла бошлаганлар. Бундай ҳоллар минтақа тарихида учраши сир эмас. Мисол тариқасида мўғулларнинг ўлкани бошқарувдаги тутган сиёсати ва вақт ўтиши билан мўғул хонларининг ободон вилоятларда ўзлари учун саройлар қурдирганларини айтиб ўтиш мумкин. Чунончи, Нахшаб яқинида Кепакхон (1318—1326) учун қурилган «қарши» (яъни сарой) кейинчалик Қарши шаҳри учун асос бўлганини эслаш кифоя. Эфталитлар қароргоҳларининг катта марказлардан жой олишини улар Турк хоқонлари билан тўқнашган асарда содир бўлган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда Византия ҳукмдори Юстин II нинг «Эфталитлар шаҳарда яшайдиларми ва қишлоқдами?», саволига Турк хоқонининг элчиси «Олий ҳазрат, улар шаҳарлик сулолалардан» деб берган жавобини мазкур жараён орқали тушунтириш ўринлидир.

Минтақанинг сўнгги минг-минг йил ичидаги ҳарбий маҳорат бобидаги тажрибаси Эфталитлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар лашкарининг асосини отлиқ аскарлар ташкил этиб ўз давринининг энг қудратли ҳарбий кучларидан ҳисобланган. Бунга далил сифатида тилга олинган маълумот: Сосонийларнинг Византия билан бирга Эфталитларга қарши чиқиши ва мағлубиятга учрашлари ҳамда Турк хоқонларининг Сосонийлар билан биргаликда Эфталитларни енгишларига доир гувоҳликлар хизмат қилиши мумкин.

Минтақа шаҳарлар тарихида V аср охири VI аср бошлари катта жонланиш йиллари кечгани маълум. Айниқса кичик шаҳарларнинг тезлик билан ўсиб бориши, ҳашаматли бинолари бўлган алоҳида-алоҳида қўрғонларнинг юзага келиши ва кўпайиши Хоразм, Сўғдиёна, Шош ва Бақтрия вилоятларида кенг кузатилади. Бунда иқтисодий-савдо муносабатларининг изчил йўлга қўйилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ўйлаймизки, минтақамизнинг анъанавий иқтисодий имкониятлари (деҳқончилик, сунъий суғориш, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик ва бошқалар) бу даврда ҳам ўз равнақ йўлида тўхтамаганлигига ҳеч бир шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Иқтисодий тараққиёт ўз-ўзидан маданий ҳаётда ижобий ўзгаришларга олиб келиши тушунарли ҳол. Биз юқорида кичик шаҳарларнинг гуркираб ўсиши ҳақида гапирдик. Археологларимиз таъкидлашларича, меъморчилик соҳасида турар жойларнинг бир неча қават қилиб қуриш, уй деворларини наққошлик ва сураткашлик санъати намуналари билан безаш бу давр учун характерлидир. Диний иншоотлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ички безаш ишларидан қимматбаҳо тошлар, хусусан, олтиндан кенг фойдаланилгани маълум.

Эфталитлар даврида минтақада сўғдча, хоразмча, бухороча, кхароштий, эфталитча ёзувлар мавжуд бўлганини қайд этиш лозим.

Диний эътиқодлар борасида ҳам хилма-хилликни кўриш мумкин. Улкан салтанат аҳли зардушийлик, қадимий эътиқодлардан Сиёвуш, Анаҳита, Митра, будпарастлик (асосан Шимолий Ҳиндистонда) каби динларга сиғинган.

Эфталитларнинг ташқи алоқалари, Эрон билан ғоятда кескин кечган. Бунинг сабабларидан бири Сосонийларнинг ҳам Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо алоқаларида етакчи ўрин эгаллашга уринишларида эди. Сосонийларнинг Эфталитларга ўлпон тўлаши Перознинг ўғли Қубод ҳукмронлиги йиллари (488—531) ҳам давом этди. Шу билан бирга қулай шароит туғилди, дегунча Эфталитлар Сосонийлар ички ишларига аралашишга ҳаракат қилганлар. Масалан, 496-йили тахтдан ағдарилиб қамоққа ташланган Қубод қочиб Эфталитлар олдига боради. Суриялик Иешу Стилит ёзишича у «кўзида ёш билан ҳар куни (Эфталитлар ҳукмдоридан) лашкар билан қўллаб-қувватлашни илтимос қилардиким, то... яна давлат бошқарувини қўлга олсам» деб. Ҳақиқатан, Эфталитлар ёрдамида Қубод (499-йили) яна Эрон тахтига ўтиради. Эфталитлар Сосонийларни ўзларига қарам қилиб олганларидан сўнг уларнинг имкониятларидан Византияга қарши курашда фойдаланмоқчи ҳам бўладилар. Чунончи, Эфталитларнинг Византияга қарши юриши Сосонийлар иштирокида амалга оширилган (502—506-йиллар).

Эфталитларнинг Хитой билан муносабатлари асосан савдо-сотиқ орқали амалга оширилиб, бунда, Буюк ипак йўлининг шимолий ва жанубий йўналишларининг Марказий Осиё орқали ўтиши ўз ролини ўйнаган. Эфталитларнинг Марказий Ҳиндистон, Европанинг энг шарқий вилоятлари билан ҳам яқин алоқаларда бўлганликлари маълум.

Шундай қилиб V—VI асрларда минтақада юз йилдан ортиқ давр давомида Эфталитлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Ўлкани бошқаришда улар ўтмиш донгдор сулолалардан қолишмаганлар. Аксинча сиёсий бошбошдоқлик йўлига кираётган мамлакатни қайтадан бирлаштириб сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар ва ташқи алоқалар тараққиётини анъанавий юксак даражада тутиб туриш ишига бош-қош бўлганлар.

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

СПОРТ

ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Ўн беш кун давом этган олимпиада баҳслари ниҳоясига етди. Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳри шу кунлар оғизга тушиб оммавийлашди.

Норвегияда ўтказилган қишки олимпиада кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, ташкилий ишларнинг ўрнига қўйилгани халқаро олимпиада қўмитаси мутахассисларига маъқул тушди. Шу боисдан Лиллехаммер 2010 йилда яна олимпиада мезбони бўлишга тайёр эканини маълум қилди. Бу таклифни нуфузли қўмита раҳбарлари ҳам маъқуллашмоқда. У ёғини сўрасангиз, 4 миллион аҳоли яшайдиган Норвегияда олимпиада мусобақаларини ўтказиб бериш эвазига 525 миллион доллар даромад кўрилгани маълум бўлди. Бу, бугунгача эришилган рекорд натижадир.

Қишки олимпиада мустақил Ўзбекистон тарихида ҳам ўчмас из қолдирди. Биринчи марта мустақил жамоа бўлиб республикамиз байроғи остида олимпиадада иштирок этган юртдошларимиз ишончни оқлашга ҳаракат қилдилар. Улар 70 мамлакат қатнашган йирик спорт анжуманида олимпиада чемпионлари чиққан 22 мамлакат сафидан ўрин олишди. Бу муваффақиятда фигурачиларимиз, чанғичиларимиз, айниқса, олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритган фристайлчи Лина Черязованинг муносиб ҳиссаси бор. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ёшлари юртимизда «Соғлом авлод учун» алоҳида эътибор қилинаётган, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилаётган бир шароитда бундан буён ҳам халқаро майдонларда маҳорат кўрсатиб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилаверадилар.

• *Жаҳон чемпионати финалчилари*

«БЎЙСУНМАС ШЕРЛАР»

Футболда тасодиф бўлмайди. Кучли ва кучсизлар бўлади. Омадли ва омадсизлар бўлиши мумкин. Хўш, 1990 йилги жаҳон чемпионати финалида иштирок этиш камерунликлар учун кутилмаган воқеа бўлганмиди? Йўқ, африкалик футболчилар аввал саралаш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, сўнг Италияга келишган эди

Узоқ Африка қитъасидан келганларга Италияда эътибор беришмади. Очиғи, менсимадилар. Биринчи учрашув Аргентина Камерун ўйини билан бошланди. Бир вақтлар Самарқанд динамочиларига мураббийлик қилган Валерий Непомняший Камерун футболчиларига устозлик қиларди. Учрашув бошларида аргентиналиклар бироз устунликка эришганлигига қарамай, иккинчи бўлимда Камерун футболчиси рақиблари дарвозасига тўп киритиб ғалаба қилишди — 1:0. Дастлабки учрашув шундай ҳисоб билан тугади. «Бўйсунмас шерлар» деб ном олган Камерун футболчилари чемпионни енгиб ишқибозу шарҳловчиларни лол қолдиришди. Ана шу учрашув сўнгида Марадонанинг боши хам бўлишини ким кутибди, дейсиз. Кейин Камерун Руминияга қарши майдонга тушди. Африка минтақасидан келганлар европалик футболчиларга ўзларини нималарга қодир эканликларини яна бир бор намойиш этишди. Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Камерун жамоасининг Руминияни 2:0 ҳисобида ютиши яна шов-шувга сабаб бўлди. Икки ғалаба, тўрт очко билан нимчорак ўйинларига йўлланмани нақд қилган Камерун футболчилари сўнгги учрашувни СССР билан ўтказди. Бу ўйин африкаликлар учун аҳамиятсиз эди. Бироқ тўртта жавобсиз тўп киритган совет футболчилари курашни давом эттира олмай Италия билан хайрлашдилар.

Нимчоракда камерунликлар Колумбияга рўбарў бўлишди. Яна омад Непомняший шогирдларига кулиб боқди. Футбол-футбол-да. Финалга чиқиш уларга насиб этмади. Аммо Италияда Камерун футболчиларининг кўрсатган ажойиб ўйинлари ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Уларни бутун дунё таниди ва олқишлади.

Кези келганда Валерий Непомняшийнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. У қишлоқма-қишлоқ юриб талантли футболчиларни саралаб яхлит кучли жамоани туза билди. Жаҳон чемпионати якунланганидан кейин уни Камерунда қандай иззат-икром билан кутиб олишганлигини айтмасак ҳам бўлади. Олқишу миннатдорчилик сўзлари, совғалару мамлакат раҳбарларининг қабули... Қисқаси, ана шу минтақада Камерун деб номланувчи мамлакат борлиги футбол баҳона тилларга тушди.

Шу йил ёзида футбол ишқибозлари навбатдаги жаҳон чемпионати ўйинларининг шоҳиди бўлишади. Америкада бўлиб ўтадиган улкан мусобақада Африка қитъасидан уч жамоа иштирок этади. Шулардан бири Камерундир. «Бўйсунмас шерлар» бу сафар қандай каромат кўрсатишаркин?

Равшан ШОДИЕВ.



Чемпион ҳамиша сафда. Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев ёш боксчилар даврасида.

ХАРЧИНОМА

ISC

ИНВЕСТИЦИОННАЯ КОМПАНИЯ

ISC Инвестиция компанияси
Ўзбекистон пойтахтида
1994 йилнинг 1 мартидан
компаниямиз очилиши муносабати
билан табриклайди

ISC

-бу сизнинг омонатларингиз уч йилда 15-30 баравар ошиш учун катта имкониятдир
-биринчи талаб бўйича-24 соат . . . давомида фойизларини қўшиб ҳисоблаб қайтариб бериш кафолатидир.

Сизни қуйидаги манзилгоҳ
бўйича агентликларда кутамиз:
Анҳор бўйи,8,"Ўрда" бекати,
шаҳар ОВИРи ёнида тел. 41-20-24
Матбуотчилар кўчаси, 32
"Шарқ" НМК клуби

«ЎЗИНБАНК»
1993 ЙИЛ ИШ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИОНЕРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ЙИҒИЛИШ 15 МАРТ КУНИ СОАТ 10 ДА ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИ 9-УЙ (ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТЕГРАСИДА) ЎТКАЗИЛАДИ.

Банк акционерлари номидан йиғилишда биринчи раҳбарлар иштирок этишлари лозим. Агар биринчи раҳбар қатнаша олмаса, унда акционер вакили фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими кўрсатилган ишончномани ва овоз бериш учун руҳсатномани тақдим этиши лозим.

Кун тартиби юборилади.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
55-82-59 қабулхона,
54-06-61,
55-74-52.

Тошкент шаҳар Чилонзор ноҳиясидаги «Илғор» кичик корхонасининг йўқолган штампи ва думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти ходимлари лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор К. Д. Давроновга рафиқаси
Манзурахон Абдураҳмановна ДАВРОНОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТДПТУ жамоаси «Фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари» кафедраси мудири, доцент
Асрор Ортиқович ЙЎЛДОШЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Гулхан», «Ғунча» журналлари жамоаси «Гулхан» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиевага опаси
Бибиражаб ҲОЖИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Г—841. тир. 89.421
Босишга топшириш вақти — 21.00.
топширилди — 21.30.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.